

**“ШЕРОБОД ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ
1-СОН БАЁННОМАСИ**

Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани,
Мустақиллик кўчаси 1-уй

2023 йил 24-март

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, Мустақиллик кўчаси 1-уй, “Шеробод пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **14:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **14:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **15:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгаллик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 2 464 188.

“Шеробод пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият бош директорининг 2023 йил 1-мартдаги 01-12/21-сонли таклифи инobatга олиниб, кузатув кенгаши томонидан 2023 йил 2-мартдаги 7-сонли қабул қилинган қарорига мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2023 йил 20 март.

А.Исломов йиғилиш раёсатини ва котибини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1.Ислотов Акмал Хақимович–“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси раиси, йиғилишда раислик қилувчи.

2.Қиличов Ўқтам Менгнарорович–жамият бош директори в.в.б:

Йиғилиш котиби этиб У.Зубаев–жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахасис сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш қворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санoқ комиссияси аъзоси У.Зубаевга берди.

Санoқ комиссияси ахбороти:

Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси томонидан 2023 йил 20 март ҳолатига шакллантирилган “Шеробод пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 896 та акциядорга тегишли 2 464 188 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 1 263 048 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 2 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 51,26 %ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (қворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишда таклиф этилганлар:

Ў.Қиличов-жамият бош директори в.в.б

У.Маматалиев-Бош ҳисобчи

Йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов йиғилиш кун тартибини эълон қилди:

КУНТАРТИБИ:

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини ва Санок комиссияси таркибини тасдиқлаш

2. “Ўзпахтасаноат” АЖни тугутиш бўйича Лойиха офисининг 2023-йил 7-февральдаги СХ-12/87-сонли хатини кўриб чиқиш, яъни жамият Кузатув кенгаши аъзолигига қўшимча номзод сайлаш тўғрисида.

3. “Шеробод пахта тозалаш” АЖ балансидаги асбоб-ускуналарни баҳоланган нархда кластер корхонасига сотиш бўйича йирик битим тузиш тўғрисида.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 3 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун - 5 (беш) дақиқагача вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради, ва “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2023 йил 2 мартдаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига Зубаев Улуғбек Мухаммадиевич–Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахасис, Маматалиев Умар Нуриддинович – Бош ҳисобчи, жамиятнинг иш ҳақи ва материал харажатлар бўйича мутахасис Юлдошев Ориф Сахатмуродовичлар номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар”–1 263 048та овоз; “Қаршилар”-йўқ; “Бетарафлар”–йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти ва санок комиссияси таркиби тасдиқлансин.

Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:

- 1) Зубаев Улуғбек Мухаммадиевич;
- 2) Маматалиев Умар Нуриддинович;
- 3) Юлдошев Ориф Сахатмуродович.

2. Санок комиссияси аъзоларига бажарган ишлари билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида бир йилда бир марта энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробари миқдоридан рағбатлантирилсин.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов сўзга чиқиб, “Ўзпахтасаноат” АЖни тугутиш бўйича Лойиха офисининг 2023-йил 7-февральдаги СХ-12/87-сонли хатини кўриб чиқиш, яъни жамият Кузатув кенгаши аъзолигига қўшимча номзод сайлаш тўғрисида хатида жамият кузатув кенгаши аъзолигига сайланган айрим ходимлар бошқа ишга ўтиб кетганлигини инобатга олиб ўрнига бошқа ходимлардан қўшимча номзод сайланиши кўрсатиб ўтилган. “Шеробод пахта тозалаш” АЖ кузатув кенгаши раиси Джумаев Хушнуд Атамуродович бошқа ишга ўтганлиги сабабли унинг ўрнига “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш бўйича лойиха офисининг бош юрисконсулти Бабакелдиев Бахриддин номзоди тавсия этилган, ушбу муносабатларни бюллетен орқали овоз беришни сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар”–1 263 048та овоз; “Қаршилар”–йўқ; “Бетарафлар”–йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича Кузатув кенгаши аъзолигига қўшимча номзод сайлаш тўғрисида қарор қилади:

“Ўзпахтасаноат” АЖни тугутиш бўйича Лойиха офисининг 2023-йил 7-февральдаги СХ-12/87-сонли хатини кўриб чиқиш, яъни жамият Кузатув кенгаши аъзолигига қўшимча номзод этиб Бабакелдиев Бахриддин сайлансин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов сўзга чиқиб, “Шеробод пахта тозалаш” АЖ балансидаги асбоб-ускуналарни баҳоланган нархда кластер корхонасига сотиш бўйича йирик битим тузиш тўғрисида айтиб ўтди. Ушбу масала бўйича жамиятнинг кластер сотиб олмаган асбоб-ускуналари, Уруғлик чигит сақлаш омбори ва Музлатгич омбори бугунги кунда баҳоловчи ташкилотлар томонидан баҳоланиб, Электрон онлайн савдоларни ташкиллаштириш “E-ijro aukcion” орқали савдога чиқарилганлигини маълум қилди.

А.Исломов ўз сўзида давом этар экан, бугунги кунда “Сурхондарё Агрохизмат” МЧЖ кластер корхонаси томонидан юқорида номлари зикр этилган яъни асбоб-ускуналар, Уруғлик чигит сақлаш омбори ва Музлатгич омборини сотиб олиш таклифини билдирган.

Ушбу масалада қўшимча сўзга чиққан акциядор У.Зубаев “Сурхондарё Агрохизмат” МЧЖнинг таклифи ўринли эканлиги сабаби жамият томонидан сотилмаган мол-мулкларнинг аукцион савдога чиқарилганига икки йилдан ошганлигини, харидор йўқлигини кластер корхонасига муддатли тўлов шаклида бўлса ҳам сотиш мақсадга мувофиқ эканлигини баён этди.

Ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар”–1 256 736та овоз; “Қаршилар”–6312та овоз; “Бетарафлар”–йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

1. “Шеробод пахта тозалаш” АЖ балансидаги асбоб-ускуналарни баҳоланган нархда кластер корхонасига сотиш бўйича йирик битим тузиш тўғрисидаги қарори 2023 йилнинг 25-мартидан бошлаб жамият бош директори в.в.б: Ў.Қиличовга “Сурхондарё Агрохизмат” МЧЖ билан олди-сотди шартномасини тузиш ваколоти берилсин.

2. “Шеробод пахта тозалаш” АЖ асбоб-ускуналар, Уруғлик чигит сақлаш омбори ва Музлатгич омборига ҳисобланган 12 фоиз қўшимча қиймат солиғини бир ой муддатда тўлаш ва қолган маблағларни 2026 йил 31 март кунига қадар тўланиши белгилансин.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилингандан сўнг, йиғилиш раиси А.Исломов акциядорларга уларнинг иштироки учун миннадорчилик билдириб, йиғилишни ёпик деб эълон қилди.

Йиғилишда раислик қилувчи:

А.Исломов

Йиғилиш котиби:

У.Зубаев

Йиғилиш баённомаси 2023 йил 28 март куни икки нусхада тузилди.